

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гайратхон Арсланович Мухтаров,
ЎзФА Миллий археология маркази,
кичик илмий ходими,
gayratxon75@mail.ru

ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Gayratkhon A. Mukhtarov, STUDY OF PETROGLIFS OF THE CHATKAL RIDGE. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.166-172

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-22>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Чотқол тоғ тизмаси тегарасидаги овчи ва кўчманчи чорвадор аҳолиси санъати, диний эътиқоди, хўжалик машғулоти, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммоларини ўрганишда қоятош расмларнинг илмий-назарий ва қиёсий таҳлили муҳимлиги хақида сўз юритади. Бу эса мазкур ҳудуднинг аجدодларимиз томонидан жуда қадимдан ўзлаштирилганлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Қоятош расмлар, Чотқол тоғ тизмаси, овчи ва чорвадор аҳолиларнинг ҳаёти, санъати, диний эътиқоди ва хўжалик машғулоти, Музбел, Боботағ, Эртош.

Гайратхон Арсланович Мухтаров,
Национальный археологический центр УзФА,
младший научный сотрудник,
gayratxon75@mail.ru

ИССЛЕДОВАНИЕ ПЕТРОГЛИФОВ ЧАТКАЛЬСКОГО ХРЕБТА

АННОТАЦИЯ

В статье автор обсуждает важность научно-теоретического и сравнительного анализа наскальных рисунков в изучении искусства, религиозных верований, земледелия, повседневной жизни, социального строя и этнокультурных проблем охотников-собираателей и кочевых скотоводов в Чаткальском хребте. Это свидетельствует о том, что эта территория была заселена нашими предками с древних времен.

Ключевые слова: Наскальные рисунки, Чаткальский хребет, быт, искусство, религиозные верования и хозяйственная деятельность охотников и животноводов, Музбель, Боботаг, Эртош.

Gayratkhon A. Mukhtarov,
National Archaeological Center UzFA,
Junior Researcher,
gayratxon75@mail.ru

STUDY OF PETROGLIFS OF THE CHATKAL RIDGE

ABSTRACT

In the article, the author discusses the importance of scientific, theoretical and comparative analysis of rock paintings in the study of art, religious beliefs, agriculture, everyday life, social structure and ethnocultural problems of hunter-gatherers and nomadic pastoralists in the Chatkal Range. This indicates that this area has been inhabited by our ancestors since ancient times.

Index Terms: Rock carvings, Chatkal ridge, life, art, religious beliefs and economic activities of hunters and livestock breeders, Muzbel, Bobotag, Ertosh.

1.Долзарблиги:

Маданий мерос намунасини ўзида мужассам этган қоятош расмлари ёдгорликлари инсоният тарихи турли босқичлари овчи ва қўчманчи дашт чорвадор аҳолиси маънавий кечинмалари, санъати, диний эътиқоди, ҳўжалик машғулоти, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, ҳамда этномаданий муаммоларини ўрганишда бирламчи манба сифатида аҳамиятли ҳисобланади. Шу асосда қоятош расмлари қадимги овчи ва қўчманчи чорвадор халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, олам ҳақидаги тасаввурлари ҳамда диний тушунчаларини тиклаш имконини яратади.

Чотқол тоғ тизмасида аниқланган янги қоятош расмлари тадқиқоти асосида инсоният тарихий тараққиётининг бронза, илк темир (сак-скиф), ўрта асрлар даврида ушбу ҳудудда яшаган овчи ва қўчманчи дашт чорвадор халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий, диний ва ҳўжалик ҳаётини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон тарихида тутган ўрнини аниқлашдан иборат.

Чотқол тоғ тизмаси ҳудуди миқёсида илгари тадқиқ этилган ва янги кашф этилган қоятош расмлари ёдгорликларини илмий тизимлаштириш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, илмий муомалага киритиш тарихий жараёнларни ёрқинроқ ёритишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур ҳудуддаги янги қоятош расмларини замонавий тадқиқот усуллари асосида классификация (таснифлаш) қилиш ва бунда қоятош расмларининг яратилиши усуллари, техникаси, композицион мазмуни ва уларнинг тарихий манба сифатида ўрни масаласини аниқлаштириш.

Тадқиқ қилинаётган қоятош расмлари ёдгорликларини ҳар бир тарихий тараққиёт босқичига оид тасвирларнинг ўзига хос хусусиятлари, расм солиниш техникаси, услуби, қўёшда қуйиши каби жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда даврлаштириш, даврий маданий чегарасини, хронологиясини аниқлаш.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур мавзуга оид назарий-услубий ёндашувлар Ўзбекистон ҳудудида бронза ва кейинги тарихий тараққиёт босқичларида яшаган овчи ва қўчманчи чорвадор жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, диний ва ҳўжалик ҳаётини ёритишга, шунингдек, қадимги тарихга оид илмий-назарий, киёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга имкон беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ўрта Осиё бўйича дастлаб қадимги қоятош тасвирлари билан Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги аъзоларидан Н.А. Наследов, Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, А.С. Татаринов, М.С. Андреев, Г.И. Пантусов, В.И. Масальский каби олимлар қизиқишган[1]. Республикамиз ҳудудидаги қоятош расмлари ҳақидаги дастлабки маълумот, Чор Россияси армияси таркибида хизмат қилган рус зобити П.И. Демезон қайдномаларида учрайди[2]. Ўзбекистон ва унга қўшни ҳудудларда ўтган асрнинг 20-30 йилларида А.Г. Усов, Н.Л. Корженовский, А. Коровин, Г.А. Ажгирей, А. Мирмуҳаммедов, И.Ф. Ломаев, Х. Ҳасанов каби олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон миқёсида қоятош расмларига эътибор XIX аср охирларида Н.А. Наследов, Н.С. Ликошин, Д.М. Граменицкий каби олимлар тадқиқоти билан бошланган бўлсада, лекин том маънода мазкур турдаги ёдгорликларнинг илмий асосда ўрганилиши ишлари ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошланди. Бу изланишлар М.Е. Массон, М.Э. Воронец, Х.А. Алписбаев, Б.В.

Лунин, А.А. Формозов, Г.В. Парфенов, С.П. Толстов, И.А. Сухарев каби олимлар ўз илмий тадқиқотлари давомида қоятош расмларининг янги ёдгорликларини аниқлаб ўрганишган. Шулардан бири бўлган Зараутсой тасвирлари дастлаб 1912 йили топограф Фёдоров томонидан аниқланган. Ушбу қоятош ёдгорлиги ҳақидаги умумий маълумотни Ю.А. Рогинская 1950 йили “Зараутсой” номли кичик рисолада чоп этган. Кейинчалик, бу ёдгорлик А.П. Окладников, А. А.Формозов, Ж. Кабиров, М. Хўжаназаровлар томонидан атрофлича ўрганилган ва расмларнинг ёши мезолит давридан то ўрта асрлар даврининг сўнгги босқичларигача эканлиги аниқланган.

Чирчиқ дарёси юқори оқимида 1940-50 йиллари Х.А. Алпысбаев томонидан Хўжакент қоятош расмлари ёдгорлиги борлиги аниқланган. Кейинчалик бу ерда М.Хўжаназаров томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Бу тасвирларнинг ёши олимларимиз томонидан мил. авв. IV-I минг йилликларга оид деб эътироф этилган[3].

1966 йилда ЎзССР ФА тарих ва археология институти Чотқол археология отряди томонидан калькага олиниб, 250 дан зиёд расм олинган. Тасвирларнинг сюжети турлича: одамлар гуруҳи ёки ёлғиз киши, рақслар, тоғ эчкилари, архар, бўри, илон ва уй ҳайвонларининг тасвири учрайди. Дастлабки таҳлил шуни кўрсатадики Қоразовдаги тошга солинган тасвирлар эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ва эрамизнинг I – IV асрларига оиддир.

1965 йилда Е. Г. Пругер томонидан текширилган. 1969 йилда А. Кабиров томонидан ёввойи ҳайвонлар, ўй ҳайвонлари, одамлар, турли – туман 600 дан ортиқ ноаниқ белгиларнинг тасвири аниқланди. Тасвирлар ўйиб, контурли қилиб ишланган. Уларнинг санаси янги эрадан олдинги биринчи минг йилликдан эрамизнинг биринчи минг йиллигига оид[4].

Фарбий Тян-Шан водийсидаги Чирчиқ воҳасидан Хўжакент, Оқтош каби палеолит даври ёдгорликлари ва улардан улар яқинида бронза ҳамда ўрта асрларга оид ёдгорликлар аниқланган. Бу ерда тадқиқотлар 1960 йилларда бошланган ва қоятош суратлари ўша йиллардаёқ аниқланган. Хўжакент ва Қорақиясой суратларини синчиклаб ўрганиш ишлари 1979-1983 йилларда М.М. Хўжаназаров томонидан амалшга оширилган[5]. Бу ердаги қоятош суратларини тадқиқ қилиш умумий қабул қилинган услублар асосида ўрганилди. Маълумки, қоятош суратларини маданий-тарихий объект сифатида ўрганиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади: суратлар даставвал устига калка қоғоз қўйилиб, қалам билан кўчириб олинади; сўнгра уларга тавсиф берилади, таснифланади ва санаси аниқланади, этномаданий ҳамда мазмуни жиҳатидан талқин қилинади.

3.Тадқиқот натижалари:

Қорақия дараси Қоржонтовнинг Жанубий этакларида жойлашган. Даранинг тубидан ирмоқ оқиб ўтади ва Чичиқ дарёсига қуйилади. Дара хушманзарали ва унинг чуқурлиги 50 м дан ошади. Бу ердаги ирмоқнинг қирғоқлари тўқ жигаррангли гранит, оҳақтош, қайроқтош ҳамда конгломерат қоя тошлардан иборатдир. Қорақиясойнинг ҳар иккала қирғоғидаги қояларга суратлар битилган. Аммо ушбу суратларнинг асосий қисми сойнинг чап соҳили юқори қисмида, Ғазалкент шаҳридан 20-25 км шимолроқда жойлашган[6]. Қорақиясой суратлари Хўжакентдан 25 км шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, Хўжакентдагидек турли қоялар ва тош бўлақларига эмас, балки битта йирик қояга чизилганлиги билан ажралиб туради.

Қорақиясойнинг юқори қисмидан 90 та қояга чизилган, 1015 та алоҳида расмлар ва манзаралар тасвири аниқланган.

Кишилиқ жамияти тарихий тараққиёти ва маданияти тизимида, қоятош расмлари - одамзоднинг санъати, диний эътиқоди, кунлик турмуш тарзи, хўжалиқ юмушлари, машғулотлари ва маънавий кечинмаларини тасаввур қилишда муҳим бўлган бирламчи манбалардан ҳисобланади. Аجدодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни чуқур ўрганишда Республикамиз мустақиллиги йилларида кенг имкониятлар юзага келди. Жаҳоннинг етук илмий марказлари билан тарихий маданий ёдгорликларни ўрганишда

ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди ва бунда ЎзРФА археология институтининг илмий фаолияти устувордир.

Қоятош расмларини ўрганишда бир нечта халқаро экспедициялар (Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Норвегия, Ўзбекистон-Россия) мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотларда самарали натижаларга эришилди. Бу тадқиқотларнинг натижалари Ўзбекистон қоятош расмлари ёдгорликларини ўрганишда ниҳоятда истиқболли ўлкалардан бири эканлигини кўрсатди.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғида жойлашган Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудида жойлашганлиги, умумий майдони 15,2 минг км² ташкил этиши ва Чотқол тоғ тизмаси географик ўрни ва табиий шароитининг қулайлиги бу ҳудудни қадимдан турли ёввойи ҳайвонларнинг, қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор қабилаларнинг мавсумий кўчишларини йўналтирувчи жойга айлантирган. Буни шу тоғ тизмасидаги турли тарихий даврларга тааллуқли моддий маданий ёдгорликлар, чакмоқтош устахоналари ва шахталари, кўҳна қишлоқ харобалари, эски қўрғон тепалари, қадимги мозорлар ва суғориш иншоотлар қолдиқларининг сероблиги далолат бермоқда.

2020 йил давомида олиб борилган археологик қидирув разведка ишлари натижасида Чотқол тоғ тизмасида бир қанча қоятош расмлари аниқланди. Чотқол тоғ тизмаси маълум ҳудудларида атрофини тарихини, табиатини, археологиясини батафсил ўрганиш бўйича манбалар тўплаб, қисқа бўлса-да қидирув разведка ишларини олиб борилди. 2020 йил 27 май куни Чинор қишлоғидан 8 км шимолда Боботоғнинг 41°13'35,3 шимолий кенглик, 71°1'93,89 шарқий узунликда денгиз сатҳидан 2803 метр баландликдаги қояларида ҳам 50 дан ортиқ қоятош расмлар аниқланди. Шунингдек, Эртош қишлоғи атрофидаги қояларда ҳам 400 дан ошиқ турли қоятош расмлари мавжудлиги аниқланди.(1-расм)

1. Чотқол тоғ ёнбағрида денгиз сатҳидан 2500 метр баландликда жойлашган қадимги петроглиф расмларни Б. Исабеков билан биргаликда ўрганилди. У ерда жуда кўплаб ҳайвонларнинг, одамларнинг расмлари акс этганлиги аниқланди. Уларнинг фотосуратлари олиниб, ҳозирги кунда таҳлил ишлари олиб борилмоқда.(2-расм)

2. Боботоғ тоғ ёнбағрида денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда ҳам 100 га яқин қоятош расмларини бориб ўрганилди, расмларга олиниб улар ўрганиб чиқилмоқда. Расмда асосан тоғ эчкиси, кийик тасвирланган. Шунингдек, одамларнинг ҳам расми туширилган. Бу қоятошларнинг қайси даврда чизилганлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун кўшимча экспедициялар талаб қилади.(3-расм)

3. Чотқол тоғ тизмаси Музбел довони Янгиобод шаҳарчасидан 12 км шимоли-шарқий томонида бўлиб, денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда 41°25'41,20 шимолий кенглик, 70°09'91,86 шарқий узунликда ҳам 5 дона қоятош расмлар борлиги аниқланди. Қоятош расмларда асосан тоғ эчкилари ва турли шакллар акс этган бўлиб, табиий шароит таъсирида тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Шунингдек, қоятош расмлар яқинидан тахминан сўнгги палеолит даврига оид тош қурол учириндилари ҳам топилгани диққатга сазовор.

2018 йилда Чотқол тоғ тизмаси бўйлаб Қизил-дара ва Эртош қишлоғи боғланадиган дара бўйлаб қоятош расмлари борлиги ҳақидаги маълумот асосида 2019 йил Ўзбекистон, Россия, Польша давлатлари археологлари томонидан тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, Қизил-дара 9 км.га чўзилган бўлиб, денгиз сатҳидан 1600 м дан 3100 м гача бўлган баландликларда минглаб қоятош расмлари ўрганилди. Қояларнинг аксариятида яқка, баъзи қоятошларида ўнлаб расмлар акс эттирилган[7]. Даранинг ўрта қисмида эса расмлар кўплиги ва қояларнинг жанубга қараган қисмида чизилгани эътиборга лойиқ.

Ҳозирги кунда ҳам бу дарага мавсумий чўпонлар келиб ўрнашиб, ўз чорваларини боқиб туришлари ландшафтнинг яшаш учун қулайлигидан далолат беради. Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, қишнинг эрта совуқ келиши, ёз ойлариининг жазирама иссиқ таъсирида эрозияга олиб келишини тезлаштиради. Натижада ҳозирги кундаги кўплаб қоятош расмларнинг асл намуналари тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан туризмни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар шу нарсани кўрсатадики, Қизил-дара ҳудудларидаги қоятош расмларини янада чуқурроқ ўрганиб,


халқаро аҳамиятини ошириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Қоятош расмларида аксарият зооморфлар акс эттирилган бўлиб, асосан тоғ эчкилари, инсон қўли тасвири, антропоморф шакллар, шунингдек, доира ичидаги хоч ва мураккаб шакллар мавжудлиги ёдгорликнинг такрорланмас эканини кўрсатади.

Изланишлар натижасида расмлар сиртининг қорайиб турли тусга кириши, куйиш даражасида турли табиат ҳодисалари бўлмиш қор, ёмғир, шамол ва куёш нурининг таъсири ва тарихий объектларни асраб-авайлаш хусусида фикрлар берилган. Хусусан, расмлар ишланган қоятош сатҳлари стратиграфияси, тасвирларнинг қоятошлардаги топографик ҳолатлари ёдгорликлар даврий санасини белгилашда асосий омил эканлиги айтиб ўтилган.

4.Хулосалар:

Чотқол тоғ тизмаси қоятош расмларнинг ўрни ва тарихий аҳамияти, қадимги аجدодларимизнинг турмуш тарзи, маънавий-маданий, диний ва ҳўжалик ҳаётини ёритишга, шунингдек, қадимги тарихга оид маълумотларни ўз ичига олган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қадимдан Чотқол тоғ тизмаси ҳудудлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жуда бой бўлиб, бу жараён айнан шу ерларда яшаган овчи ва кўчманчи халқларнинг ҳаёт кечириши учун қулай имконият яратган. Буни археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган инсоният тарихий тараққиётининг турли босқичларига оид моддий-маданий ва археологик ёдгорликларнинг сероблиги ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, овчи ва чорвадор қабилалардан бизга мерос қолган қоятош расмлари Чотқол тоғ тизмасининг деярли барча сой дараларида тадқиқ этилмоқда. Бу эса мазкур ҳудуднинг аجدодларимиз томонидан жуда қадимдан ўзлаштирилганлиги ва маданият тарихимиз ҳайвонот ва ўсимлик оламини ўрганишда ўзига хос истиқболли эканлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида такидлашимиз лозимки, бу тарихий маданий ёдгорликлар қадимги аجدодларимиз, турмуш тарзи, ҳўжалик ва маданий ҳаётини ўрганишда ўзига хос муҳим тарихий манба ҳисобланади. Аммо, биз ҳамжиҳатликда ота боболаримиздан қолган бу тарихий мерос, маънавий бойликни баъзи бир бузғунчилардан ҳимоя қилиб асраб авайламасак, ҳар қандай ҳимоя воситалари ва мутахассисларнинг саъйи ҳаракатлари бесамар кетиши мумкин. Бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишимиз, халқимиз ўртасида ёдгорликлар аҳамияти борасида тарғиб-ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим. Шунингдек, ўқувчи-ёшларимизга қадимги аجدодларимиздан бизгача етиб келган бу ёдгорликларнинг тарихий аҳамиятини тушунтириш ва улар онгида бунга нисбатан ҳурмат руҳини уйғотишдек маъсулятли вазифани бажариш, бугунги кун тарихчи олимлари олдидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар



2-расм. Эртош қишлоғи яқинидаги қоятош расмлар.



3-расм. Боботоғ Эгар давони қоятош расмлари.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Холматов А.Н. Ўзбекистон қоятош расмларининг ўрганилиш тарихи. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида // 2010-Баркамол авлод йилига бағишлаб Археология институтида 25-26 ноябрда ўтказилган ёш олимлар конференцияси материаллари. Самарқанд. 2010.(Holmatov A.N. History of the study of rock paintings in Uzbekistan. Current issues of the history of Uzbekistan in the interpretation of young researchers // Proceedings of the conference of young scientists, held on November 25-26 at the Institute of Archeology, dedicated to the 2010 Year of harmoniously developed generation. Samarkand. 2010)
2. Ортиқов.У.М, Исмоилов.Б.А. Қўшрабат туман Шова қишлоғидаги янги қоятош расмлари ҳақида дастлабки мулоҳазалар // “Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. Самарқанд, СамДУ нашри, 2018. 4 б.(Ortiqov.U.M, Ismoilov.B.A. Preliminary comments on new rock paintings in the village of Shova, Koshrabat district // Proceedings of the Republican scientific conference on "Problems of history and archeology of Central Asia." Samarkand, SamSU edition, 2018. 4 p)

3. Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракияся. Самарканд. 1995.(Khuzhanazarov M. Rock carvings of Khojakent and Karakiyasay. Samarkand. 1995.)
4. Буряков Ю.Ф., Косимов М.Р., Ротцовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. “Фан”, Тошкент, 1973 йил, 64-бет.(Buryakov Yu.F., Kosimov M.R., Rotstovtsev O.M. Archaeological monuments of Tashkent region. "Science", Tashkent, 1973, p.64.)
5. Хужаназаров М. Наскальные изображения Северо-Восточного Узбекистана. Дисс. На соиск. Ученый степени к.и.н. 1985. – С. 16.(Khuzhanazarov M. Rock carvings of North-Eastern Uzbekistan. Diss. For a job. Academic degree Ph.D. 1985 .-- P. 16.)
6. Агзамходжаев Т. Наскальные изображения в Бостагдикском районе Ташкентской области. Общественные работы АН Уз ССР. 1960. С. 20-82.(Agzamkhodzhaev T. Rock cuttings in Bostagdiksokm district of Tashkent region. Public works of the Academy of Sciences Uz SSR. 1960.S. 20-82)
7. Newly discovered petroglyphs in Kyzyl Dara gorge, western Tian Shan,Uzbekistan . M.Leloch, M.Kot, M.M.Khujanazarov, A.N. Kholmatov // Rock Art Research 2020 Volume 37, Number 2. Page 228

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000